ЎзССР Давлат китоб палатаси
Ин.
Рус книжная палата ЎзССР
300695

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 15 июнь, пайшанба. №71 (21.834.) Сотувда эркин нархда.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИГА САФАР

Республика Президенти Ислом Каримов 14 июнь куни Навоий вилоятида бўлди. Маълумки, мазкур вилоят мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятида муҳим ўрин тутади. Ўтиш даври мураккабликларига қарамасдан самарали фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари, қаъри табиий бойликларга макон бўлган саховатли замин, меҳнаткаш халқ вилоят истиқболи янада порлоқ бўлишига ишонч уйғотади.

Шу куни Учқудуқ шаҳридаги 3-гидрометаллургия заводи ишлаб чиқариш қувватларининг биринчи навбати ишга туширилди. Ана шу муносабат билан бу ерда меҳнат жамоаси, корхона фахрийлари, жамоатчилик вакиллари иштирокида тантанали митинг бўлди. Уни Навоий вилоят ҳокими Ҳ. Ғаффоров очди. У мустақиллик боис қисқа муддатда ажойиб саноат корхонаси барпо этилгани, бу ерда қирқдан ортиқ миллат вакиллари елкама-елка меҳнат қилаётгани, шунинг натижаси ўлароқ, бугун дастлабки маҳсулот олингани хусусида гапирди.

Тантанали митингда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

«Қизилқумнодирметаллолтин» концерни раиси Н. Кучерский заводни барпо этишда кўрсатилган эътибор ва ёрдам учун юртбошимизга миннатдорлик изҳор этди. У дастлабки маҳсулот намуналарини намойиш қиларкан, бу бойлигимиз Ватан келажаги, халқимиз бахт-саодати йўлида хизмат қилсин, дея тилак билдирди. Шундан сўнг Навоий қурилиш бошқармаси бошлиғи С. Ефремов янги корхонанинг рамзий калитини юртбошимизга топширади. Президент алвон лентани қирқади. Завод ишга тушиб, қудратли агрегатлар гувуллай бошлайди.

Президент Ислом Каримов завод цехларидаги иш жараёни билан танишди, меҳнаткашлар билан суҳбатлашди. Республика ва хорижий оммавий ахборот воситалари мухбирларининг саволларига жавоб қайтарди.

Саноат корхоналарини замонавий ускуналар билан жиҳозлашда, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришда чет эл фирмалари, тадбиркорлари билан ҳамкорлик қўл келмоқда. Зарафшон шаҳридаги «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси бунга яққол мисол бўла олади. Президентимиз ана шу корхона фаолияти билан танишди. Мурунтов карьерини кўздан кечирди. «Агама» тўқимачилик фабрикасида тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифати билан қизиқди.

Ишлаб чиқариш фахрийлари, меҳнаткашлар вакиллари билан самимий мулоқот чоғида юртимизда қарор топган осойишталик, тинчлик, фуқаролар тотувлиги нечоғли ҳаётий аҳамиятга эга экани, изчиллик билан ўтказилаётган ислоҳот самара бераётгани, буларнинг барчаси Ватанимиз қудратини оширишга, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга хизмат қилиши қайта-қайта такрорланди.

Ислом Каримовнинг Навоий вилоятига сафарида республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосари Ю. Пайгин, Президентнинг матбуот котиби М. Муҳаммад Дўст ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

(ЎзА).

Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН КЕЛАЖАККА ИШОНЧ БИЛАН ҚАРАМОҚДА

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ 3-ГИДРОМЕТАЛЛУРГИЯ ЗАВОДИНИНГ БИРИНЧИ НАВБАТИ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ҳурматли дўстлар, биродарлар!

Авваламбор, ҳаммангизни Ўзбекистон ҳаётидаги бугунги тарихий воқеа — мана шу завод ишга туширилиши билан чин кўнглимдан табриклайман. Сизларга сиҳат-саломатлик, куч-қувват, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Учинчи завод биринчи навбатининг ишга туширилиши — жамоангиз ҳаёти, бутун Навоий саноатидагина эмас, балки республикамиз ҳаётида муҳим воқеадир.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бу кун мустақиллигимизни оёққа турғизиш тарихида муносиб ўрин эгаллайди, давлатимизнинг иқтисодий салоҳиятини, унинг жаҳон бозоридаги ўрнини мустаҳкамлайди.

Бу кун Ўзбекистон ва МДҲдагина эмас, улардан ташқарида ҳам машҳур, айтишим мумкинки, бутун дунёда катта қизиқиш уйғотаётган ҳақиқий олтин корхонангиз тараққиёти тарихига олтин саҳифа бўлиб киради.

Сизларнинг комбинатингиз бундан 30 йилдан ошикроқ вақт муқаддам саҳро шароитида бир эртак, афсонавий Ҳумо қуши сингари пайдо бўлган эди. Сизларнинг ноёб жамоангиз салоҳияти, жипслиги, юксак малакаси, меҳнатдаги ва ҳаётдаги чиниқиши, эришган меҳнат ютуқлари билан жаҳоннинг энг йирик, энг тараққий этган давлатлари ҳам орзу қиладиган ҳақиқий бойликдир.

Комбинатингизнинг кўпмиллатли жамоаси ўзининг оёққа туриш тарихида, айниқса, собиқ СССР тарқаб кетиб, хўжалик алоқалари узилганидан кейин кўп муаммолар, кўп қийинчиликларга дуч келди. Ушанда бу ноёб корхонани вайрон бўлиб, тугаб кетиши хусусида башорат қилган кўпгина калтабинлар ҳам пайдо бўлган эди.

Ҳақиқатдан ҳам, агар кейинги йилларни эслайдиган бўлсак, корхона жамоаси бошидан кечирган улкан қийинчиликлар — эҳтимол, комбинатнинг кўп йиллик тарихидаги энг оғир давр бўлгандир.

Энг яхши ва энг замонавий технологияга эга бўлган, олтин ва стратегик материаллар қазиб олиш бўйича фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларини ўзлаштирган корхона материал етказиб берадиган ўнлаб ва юзлаб корхоналар билан алоқалар узилганидан кейин мана шундай шароитда илгариги суръатни сақлаб қолиб, ишлаб чиқаришни зарур даражада таъминлай олишини тасаввур қилиш қийин эди.

Бироқ, жамоа барчасига чидади. Энг оғир шароитларда ҳам ишлади. Бугун мен катта мамнуният, барчангизга, ҳурматли дўстлар, чуқур миннатдорлик билан комбинатингиз ўзининг **илгариги қувватини сақлабгина қолмай, уни тобора ўстириб боргани,** барчага ўзининг нимага қодир эканини намойиш қила олганини эътироф этишдан мамнунман.

Қайта-қайта айтаманки, бу — сизнинг хизматингиз, тиним билмай, турли синов ва фитналарга парво қилмай меҳнат қилган ишчилар, муҳандис-техник ходимлар, раҳбарлар, хизматчиларнинг улкан хизматидир. Бу ҳақиқатдан ҳам қаҳрамонона меҳнат эди.

Мен бугун имконият туғилганидан фойдаланиб, сизларга, азиз дўстлар: **биз сизлар билан фахрланамиз, жамоангизга ишонамиз, деб баралла айтишни истар эдим.**

Бугунги кунда мана шу мураккаб шароитда ишлаб чиқариш суръатини таъминлабгина қолмай, янги ноёб ювваларни ҳам ошираётган жамоангиз эришган ютуқлар барчамизни қувонтиради.

Заводнинг иккинчи навбати ҳам жуда қисқа муддатда ишга тушишига ишончим комил. Ҳукумат сиздан барча зарур ёрдам ва кўмагини аямайди. Мен мана шу юксак минбарда туриб, барча қурувчилар, монтажчилар жамоаларига, янги заводни қуришда иштирок этган барча кишилар мана шу мураккаб шароитда бу ноёб иншоотни тиклаган Навоий вилоятининг барча кўпмиллатли аҳолисига миннатдорлик сўзларини айтаман.

Зарафшон қурилиш бошқармаси «Жанубсаноатмонтаж» трести, Навоий монтаж-қурилиш акционерлик корхонаси жамоалари ҳам ва «Қизилқумнодирметаллолтин»нинг бошқа бўлимлари ҳам жуда катта ҳажмдаги ишни бажаришди.

«Ўзмонтажмахсусқурилиш», «Ўзагроқурилиш», «Ўзсувхўжаликқурилиш», «Ўзсаноатхўжаликқурилиш», «Ўзжамоахўжаликқурилиш» бўлинмалари, республиканинг бир қатор саноат корхоналари завод қурилишига муносиб ҳисса қўшди. **Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бу заводни бутун Ўзбекистон қурди!**

Янги заводни қуришда алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларни мукофотлаш тўғрисидаги сизга маълум Фармонга имзо чекиш менга катта мамнуният бахш этди. Бироқ, мен сиз амалга оширган ишлар, бу иншоотга сарф қилинган улкан меҳнатни ҳеч қандай мукофотлар ва фахрий унвонлар билан ўлчаб бўлмаслигини ҳам биламан. Ҳурматли дўстлар!

Ҳурматли меҳмонлар!

Мамлакатдаги ишларнинг аҳволини, иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳаётимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни танқидий кўз билан таҳлил қилар эканмиз, биз бугун ишонч билан: **Ҳа, Ўзбекистон бўҳрондан чиқиб боряпти ва янгиланиш суръатини дадиллик билан эгаллаб, ўзининг келажагига ишонч билан қарамоқда,** дея оламиз.

Бизнинг бу ишончимиз нимага асосланган?

Биринчидан. Дунё харитасида бизнинг заминимизчалик бойликка, минерал хом ашё, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ноёб ресурсларга эга бўлган давлат кам топилади. Ҳозирча бу бойликларнинг каттагина қисмидан фойдаланилаётгани йўқ, шунинг учун ҳам бу бойликлар ўзаро фойда кўриш асосида биз билан ҳамкорлик қилмоқчи бўлган жаҳондаги машҳур компания ва банкларнинг эътиборини жалб этмоқда.

Америкалик экспертларнинг ҳисоб-китобига қараганда, Ўзбекистоннинг минерал хом ашё ресурсларининг ўзигина уч триллион доллар миқдорида баҳоланар экан. Бу рақамнинг ўзи ҳамма гапни айтиб турибди.

Иккинчидан. Бизнинг энг катта бойлигимиз — бизнинг кўпмиллатли меҳнатсевар халқимиздир. Бизнинг тарихимиз — буюк тарих. Бизнинг улуғ анъаналаримиз бор. Уялмасдан, қўрқмасдан, дадил туриб: Ҳа, Ўзбекистон ўз тарихи, ўзининг эзгу анъаналари билан фахрланади, дейиш лозим. Бизнинг томирларимизда жаҳон маърифатига салмоқли ҳисса қўшган буюк аждодларимиз қони оқмоқда. **Бу заминда эзгулик ва инсонпарварлик, тинчлик ва аҳиллик, яхшилик, адолатнинг буюк қадриятларидан таълим берган буюк мутафаккирлар яшаб ўтган.**

Бизнинг ишончимизга асос бўлган **учинчи омил** — СССР тарқаб кетганидан кейин биз танлаб олган ислоҳотлар йўли, мустақиллигимиз ва истиқлолимизни мустаҳкамлаш йўлининг тўғрилигидир.

Бу — ислоҳотларимизнинг астасекин, босқичма-босқич амалга оширилишидир. Бу — уларни амалга оширишдаги изчилликдир.

Бу — бозорнинг **Ўзбекистон модели** бош тамойилларидан бирига айланган кучли ижтимоий сиёсатимиздир. Бизнинг бош шиоримиз — инсон ислоҳот учун эмас, ислоҳот инсон учун шиоридир. Бугунги кунда бу шиорни барча эътироф этмоқда, у ислоҳотларимизга кўмаклашмоқда ва муваффақиятимизни таъминламоқда.

Тўртинчи омил. Айтинглар-чи, собиқ Совет Иттифоқи ҳудудида яна қаерда мана шунча иншоотлар, айниқса базавий тармоқларда иншоотлар қурилмоқда?

Улардан атиги бир нечтасини санаб ўтаман. Бу — янаги йил ёзи бошида ишга туширишга мўлжалланаётган **Асакадаги автомобил заводидир.** Бу — Хоразм вилоятидаги **«Мерседес» юк машиналари заводидир.**

Бу — вилоятингиз ҳудудида ишга тушган «Зарафшон» — «Ньюмонт» қўшма корхонасидир. Бу — **Даўғизтов** конини ўзлаштириш бўйича **«Лонро» фирмаси** билан тузилган, ҳозир амалга оширишга тайёр бўлган йирик лойиҳадир.

Бу — мамлакатнинг ишга туширилаётган ёнилғи-энергетика мажмуи — **Кўқдумалоқ ва Мингбулоқ** конларидаги янги қувватлардир. Бу — Бухорода қурилаётган нефтни қайта ишлаш заводидир. Бу — Ўзбекистоннинг энергетика тизимидаги янги қувватлар, янги коммуникациялар, автомобиль ва темир йўллардир. Бу — енгил саноатдаги, аграр сектордаги кўплаб қайта ишлаш корхоналаридир.

Бу — бутун Ўзбекистоннинг фахрига айланган сизларнинг янги заводингиздир.

Буларни бир кунда қуриб бўлмаслиги барчага аён бўлиши керак. Буларнинг барчасига жуда-жуда кўп жамоаларнинг тинимсиз, фидокорона меҳнати туфайли эришилади.

Буларнинг барчаси охир-оқибатда республикамизнинг иқтисодий салоҳиятини барпо этади ва эртаги кунда, ишончим комилки, жаҳон бозорида Ўзбекистоннинг муносиб ўрин эгаллашини таъминлайди.

Биз бугунги кунда кейинги йилларда эришган ютуқларимиз билан фахрланишга ҳақлимиз. **Бу бизнинг ташқаридан нефть ва нефть маҳсулотлари сотиб олишдан холи бўлган амалий мустақиллигимиздир. Бу бизнинг ташқаридан галла сотиб олишдан холи бўлган мустақиллигимиздир.** Ҳа, биз ўзимизни гўшт-сут маҳсулотлари билан таъминлаш учун ҳам зарур база барпо қила олдик. Эсларингизда бўлса, яқин-яқинларда ҳам бизнинг кўпдан-кўп хом ашё бойлигимиз, энг аввало пахта толаси мана шу ҳаёт учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишга **сарфланар** эди. Уч ярим йил **ичида биз бу ресурсларимизни ана шу мақсадда фойдаланишдан ажратиб олдик, энди улар мана шу жаннатмакон заминда истиқомат қилаётган кишиларнинг фаровон турмушига хизмат қилади.**

Бешинчи, ва, айтиш лозимки, моддий ўлчовлар билан ўлчаб бўлмайдиган энг муҳим омил, бу — **тинчлик, барқарорлик, ҳамжиҳатлиқдир.**

Бу — биз Ўзбекистон деб аталмиш уйимизда ўрнатган олган **фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликдир.** Бу — кишиларни жипслаштириб турган, ҳар бир инсон, ҳар бир оила ўзининг бугунги кундаги ҳаёти, фарзандларининг келажаги, қариндош-уруғ ва яқинларининг тинчлиги учун хотиржамлигидир.

Бу — ҳар қандай бунёдкорлик иши, ҳар қандай қурилиш, ҳар қандай меҳнат учун зарур бўлган соғлом муҳитдир.

Буни сизларнинг кўпмиллатли жамоангиз мисолида яққол кўриш мумкин. Айнан мана шу муҳим омил, мана шу яқинлик, мана шу ўзаро ҳурмат ва турли миллат, турли эътиқод, турли авлодлар вакилларининг бир-бирига дўстона муносабати ишларимизнинг энг зарур ва муҳим асоси, амалга ошган режаларимизнинг пойдевори бўлди.

Ҳар доим ва ҳар жойда, айрим кишилар ва бутун-бутун жамоалар билан учрашар эканман, мен мана шу гапни такрорлаб келдим ва яна такрорлайман: **фақат тинчлик-хотиржамлик, фақат барқарорлик, фақат ўзаро аҳиллик бизга муносиб ҳаёт бахш этади, ўзимизни ва фарзандларимизни барча мусибатлардан асрайди.**

Бугунги мана шу нодир имкониятдан фойдаланиб, жамоангизда, бинобарин, барчамизнинг умумий уйимизда ҳам барқарорлик ва тинчликни сақлаб турганингиз учун барчангизга чуқур таъзим қилмоқчиман.

Азиз дўстлар!

Кишиларимизни, фарзандларимизни бахтиёр, баркамол, муносиб инсон сифатида кўриш, барчамиз учун, шу жумладан халқ ўз тақдири ва келажагини ишониб топшириб қўйган Президент сифатида мен учун ҳам энг катта мукофотдир. Буларнинг барчаси учун битта шарт бор. Бу шарт — бизнинг меҳнатимиздир. Биргаликда қилинадиган фидокорона меҳнатдир. Халқимизнинг бугун ва келажакда фаровон ҳаёт кечириши йўлида қилинадиган меҳнатдир.

Сизларни муҳим воқеа — ҳақиқий олтин иншоотнинг, ҳар доим саноатимиз, бутун иқтисодиётимизнинг фахрига айланиб қоладиган иншоотнинг ишга тушиши билан яна бир бор чин қалбимдан табриклашга ижозат бергайсизлар.

ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КЕНГАШИНИНГ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон ХДП Наманган вилояти кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Республика Олий Мажлиси иккинчи сессиясидаги нутқидан ХДП Наманган вилояти ташкилотининг келиб чиқадиган вазифалари муҳокама қилинди. Бу ҳақда Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Н. И. Қозоқов маъруза қилди.

Пленумда ташкилий масала ҳам кўриб чиқилди. М. Ғ. Алиева бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши иккинчи котиби ва ижроия бюроси аъзоси вазифасидан озод этилди. Вилоят ҳокимлигининг етакчи мутахассиси бўлиб ишлаб келаётган А. М. Матмусаев ХДП вилоят кенгаши иккинчи котиби ва ижроия бюроси аъзоси этиб сайланди. Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби Ҳ. Қ. Авезов нутқ сўзлади.

Пленум ишида Наманган вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари О. Р. Бозоров иштирок этди.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ИНСОФСИЗГА ЭРК БЕРСАНГ...»

Газетанинг шу йил 20 апрель сонида юқоридаги сарлавҳали мақола чоп этилиб, унда Қоровулбозор туманининг аксарият хўжаликларида техникани таъмирлаш, асраш мутлақо талабга жавоб бермаслиги, баъзи жойларда техника талон-торож қилинаётгани танқид остига олинган эди. Мақола юзасидан Бухоро вилояти ҳокими ўринбосари Р. Очилов имзоси билан жавоб хати олинди.

Мақолада кўрсатилган барча масалалар 1995 йил 24 апрель куни хўжалик раҳбарлари, мутахассислар иштирокида ўтказилган Қоровулбозор тумани ҳокимлиги йиғилишида муҳокама қилиниб, тегишли топшириқлар берилди ва барча жамоа хўжаликларида муҳокама қилинди.

Қишлоқ хўжалик техникаларини ГОСТ—55 51—85 талаблари асосида сақлашга қўймаганлиги ҳамда бошқа камчиликлари учун «Мустақиллик» жамоа хўжалиги бош муҳандиси Б. Қурбонов ва база мудири М. Гобуровлар ўз вазифаларидан озод қилиндилар. Шунингдек, «Истиқлол» хўжалигида тажрибали кадрлар етишмаслиги сабабли қишлоқ хўжалик техникаларини сақлашга қўйиш ва таъмирлаш муддатлари бузилганлиги аниқланиб, хўжаликда бўш турган лавозимлар малакали кадрлар билан мустаҳкамланди.

Хўжаликларда техникаларнинг айрим қисмлари талон-торож қилинганлиги учун ҳужжатлар туман давлат техника назорати нозирлиги томонидан чора кўриш учун туман прокуратурасига топширилган.

Туман хўжаликларида далада очиқ айвонда сақланаётган техника воситалари ГОСТ—7751—85 талаби асосида сақлашга қўйиш борасида бирмунча ишлар амалга оширилмоқда ҳамда туриб қолган гилдиракли тракторлар қишлоқ хўжалик резинаси билан таъминланиб ишга чиқарилган.

Шунингдек, техника эҳтиёт қисмларини талон-торож қилишга йўл қўйганлиги учун Шофиркон туманидаги Қ. Муртазоев номли жамоа хўжалиги мутахассисларидан 360 сўмлик моддий зарар ундириб олинган.

Тумандаги хўжаликлараро ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш корхонасида техника воситаларини асрашда хатоликларга йўл қўйганлиги учун бош муҳандис Эркин Бобомуродовга нисбатан прокуратура томонидан иш қўзғатилиб, туман суди орқали 400 сўм миқдорида жарима ундириб олинган.

Шунингдек, 1995 йилнинг 26 январида туман «Қишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» корхонаси назоратчи муҳандиси Ашуров Нажмиддин фуқаро Жўраев Бахшиллога УАЗ—469 автомашинаси мой насосини ўйидан сотгани учун туман ички ишлар бўлими томонидан ушланган. Ушбу иш юзасидан ички ишлар бўлими текшириш ўтказган. Воқеа ўрганиб чиқилганда, Н. Ашуров бу эҳтиёт қисмни Ғиждувон бозоридан ўз шахсий машинасига ишлатиш учун сотиб олган, лекин оилавий шароити сабабли маърака ўтказиш мақсадида 20 дона «Бренди» коньягига алмаштирганлиги аниқланган. Н. Ашуров томонидан содир этилган ҳодиса унинг хизмат вазифасига ва у хизмат қилаётган корхонага мутлақо алоқаси йўқлиги, ўзининг шахсий буюмини Бахшилло Жўраевга ўзаро келишилган ҳолда алмаштирмоқчи бўлганида жиноий қуриниш йўқлиги сабабли Шофиркон тумани ички ишлар бўлими томонидан бу иш ижродан тўхтатилган.

Рузномада мақола чоп этилгандан сўнг ушбу масала тегишли хўжалик ва ташкилотларда атрофлича муҳокама этилиб, камчиликларни бартараф этиш мақсадида чора-тадбирлар белгиланди. 1995 йилнинг 11 май кунида бўлиб ўтган навбатдаги ҳокимлик йиғилишида ҳам барча хўжалик раҳбарлари ва мутахассислари иштирокида бу масала ишлаб чиқилиб, тегишли топшириқлар берилди.

Ҳозирги кунда вилоятнинг бошқа хўжаликларида қишлоқ хўжалик техникаларини асраш, улардан унумли фойдаланиш борасида бирмунча ишлар амалга оширилмоқда.

Вилоят ҳокимлиги тегишли ташкилотлар орқали бу муҳим ишни бундан кейин ҳам ўз назоратига олиб, тегишли ишларни давом эттиради.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин билан Украина Президенти Леонид Кучма ўртасидаги олий даражадаги учрашув ниҳоясига етди. Унда Қора денгиз флоти масаласи билан боғлиқ ҳужжат имзоланди. Ушбу ҳужжатга кўра, Қора денгиз флоти Севастополга кўчирилади. Украина Президенти Леонид Кучма Россия — Украина олий даражадаги учрашуви энди ҳар ойда ўтказилади, деди журналистлар билан суҳбатда.

Навбатдаги учрашув Қримда ўтадиган бўлди.

САМОЛЁТЛАР ҚИСҚАРАДИ

АҚШ Япония ҳудудида жойлашган ҳарбий ҳаво кучлари базасидаги Ф-16 ҳарбий самолётларининг сонини қисқартиришга қарор қилди. Мазкур самолётлар уруш хавфи туғилганида Россиянинг узоқ шарқига зарба бериш мақсадида жойлаштирилган эди. Энди эса «совуқ уруш» даври ўтди, Россия Итуруп оролидан ўз ҳарбий самолётларини олиб кетди. Натижада Россия авиациясининг Япония ҳудудига ҳужум қилиш эҳтимоли йўқолди.

ҚУРОЛ ТАЙЁРЛАШГА УРИНИШ

Япония ҳукумати суд орқали «Аум синрико» диний мазҳабини тарқатиб юборишга қарор қилди. Тергов ишлари натижасида шу нарса маълум бўлдики, ушбу диний мазҳаб Россиядан АК-74 «Калашников» ўт очар қуроли нусхасини яширинча келтириб, уни ялпи ишлаб чиқаришга уриниб қурган.

КРИСТОФЕРНИНГ БАҲОСИ

АҚШ давлат котиби Уоррен Кристофер Исроил Бош вазири Исҳоқ Рабин билан учрашди. Учрашувда у Яқин Шарқдаги тинчлик музокараларининг муваффақиятли ривожига умид билдирди. Ҳозирги вазиятда У. Кристофер «Тинчлик учун кутилмаган имкониятлар пайдо бўлди», дея баҳоладди.

ТЎҚНАШУВ ҚУРБОНЛАРИ

Мисрнинг Абу Каркас шаҳри яқинида ҳукуматнинг хавфсизлик кучлари билан қўпорувчилар ўртасида тўқнашув юз берди. Натижада 5 нафар қўпорувчи ва икки ҳарбий хизматчи ҳалоқ бўлган, дейилади шу мавзудаги хабарда.

ЖИНОЯТ ЎРГАНИЛМОҚДА

Ҳиндистоннинг собиқ Бош вазири Ражив Гандига суиқасд қилганлар устидан қўзғатилган суд жараёни шу йилнинг охиригача ниҳоясига етади. Бу ҳақда ушбу жиноятни ўрганиб чиқаётган махсус гуруҳ аъзолари ҳукумат вакиллари билан учрашувда маълум қилди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

ҚОНУН УСТИВОРЛИГИГА ЭРИШАЙЛИК

Нукусда Қорақалпоғистон республикаси фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди. Унга республика вазирликлари, идоралар, корхоналар, муассасалар, бошқармалар, бирлашмалар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари таклиф қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Олий Мажлис сессиясидаги «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари» маърузаси асосида интизомни ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ҳуқуқ низомларини бузувчиларга қарши курашни кучайтиришда ҳокимлик ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш уюшмаларининг ҳамкорликдаги вазифалари муҳокама этилди. Бу ҳақда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Уббиниёз Аширбековнинг маърузаси тингланди.

Маърузачи ва музокараларда қатнашганлар республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш ва бозор муносабатларига ўтиш даврида иқтисодий ислоҳотларнинг изчиллик билан амалга оширилаётганлиги, мулк турларининг давлат тасарруфидан чиқариб хусусийлаштирилиши, янги типдаги хўжаликлар вужудга келаётган бир пайтда прокуратура, милиция, суд, божхона ташкилотларида жиноятчиликка қарши курашдаги камчиликларнинг ҳамон давом этиб келаётганлигини таъкидладилар. Республикада айрим жиноят турлари камайган бўлсада, аммо оғир жиноятлар кўпайиб бораётир. Кўплаб жиноятлар очилмай қолаётир. Тергов ишлари чўзилиб кетмоқда. Аксарият жиноят ишлари халқ судидан қайтаётир. Порахўрликка ва бошқа жиноятларга қарши кураш сust. Бугунги кунда қонунларнинг устиворлигига эришиш муҳим масала бўлиб қолмоқда.

Фаоллар йиғилишида осойишталикни сақлаш, тинч-тотувликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни ватанпарвар, меҳнатсевар, ҳалоллик, поклик руҳида тарбиялаш, жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш хусусида республика меҳнаткашларига қарата мурожаат қабул қилинди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ АХБОРОТИ

Сўнгги кунларда хорижда айрим оммавий ахборот воситаларида Афғонистон Марказий банки бошқарувчисининг ўринбосари Абдулқодир Фитратнинг баёноти эълон қилинди. Унда ана шу давлат ҳудудида гўё Ўзбекистонда тайёрланган сохта пуллар пайдо бўлгани ҳақида гапирилади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги очиқдан-очиқ сохта мишмишларни тарқатиш икки давлатнинг яхши қўшничилик руҳига, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик ва тинч-тотув яшаш қоидаларига мос келмаслигини ҳисобга олиб, бундай нодўстона воқеа муносабати билан норозилик билдирди.

Афғонистоннинг Ўзбекистондаги муваққат ишлар вакили Саид Аламуддин Асир шу йил 13 июнь куни республика Ташқи ишлар вазирлигига таклиф этилди ва унга мазкур норозилик баён қилинди ҳамда Афғонистон расмий ҳокимияти сохта миш-мишлар тарқалиши факти юзасидан Ўзбекистон томонига тушунтириш беради, деган истак айтилди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизмати.

Янги нашрлар

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»

Куни кеча газетхонлар қўлига Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ана шу ном билан аталган ҳафталик газетасининг илк сони етиб борди. Биринчи саҳифадаги «Ижтимоий воқелигимизда улкан ҳодиса» сарлавҳали мақолада янги партиянинг таъсис қурултойи ҳақида кенгайтирилган ахборот берилган. Ўзбекистон Адлия вазирлигида Миллий тикланиш демократик партиясига расмий гувоҳнома топширилганлиги ҳақида ахборот ва суратлар босилган. Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Марказий ҳайъати раиси Азиз Қаюмовнинг «Эзгу ғоялар етагида» сарлавҳали мақоласида ушбу партиянинг туғилиши, бугунги кунимиз учун зарурати баён қилиб берилган. Шу сонда Миллий тикланиш демократик партиясининг дастури, Марказий ҳайъат аъзолари рўйхати, айни пайтда партия таъсис қурултойининг резолюцияси эълон қилинган. Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими Азамат Зиёнинг «Туркистон» — умумий ва ягона халоскоримиз» сарлавҳали мақоласи, Саид Аҳмаднинг 75 ёшга тўлиши муносабати билан Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Ғуломнинг «Уфқи кенг ижод» мақоласи, шунингдек Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг 1918 йил 26 январда «Ҳуррият» газетасида чоп этилган очиқ хати газетхонларда қизиқиш уйғотиши табиий. Газетанинг барча саҳифаларида «Ҳаёт одамларга нашъалидир» туркумида диққатга сазовор суратлар берилган.

«БИРЛИК» — «ЕДИНСТВО»

Ўзбекистон «Халқ бирлиги» ҳаракатининг ана шундай ном билан аталган ўзбек ва рус тилларидаги газетасининг биринчи сони босмадан чиқди. Унда Тошкентда Ўзбекистон Республикаси «Халқ бирлиги» ҳаракатининг таъсис қурултойи бўлиб ўтганлиги ҳақида ҳисобот-мақола берилган. Газетанинг биринчи саҳифасида мазкур ҳаракатга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан расмий гувоҳнома топширилганлиги хабар қилинади, шу жойда «Халқ бирлиги» ҳаракатига Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши, «Ватан тараққиёти», «Адолат» социал демократик ва Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияларининг раҳбарлари табриги чоп этилган. Газетанинг ички саҳифаларида «Халқ бирлиги» ҳаракати Марказий кенгашининг, тафтиш комиссиясининг таркиблари эълон қилинган, мазкур ҳаракат раиси Тўрабек Долимов, ҳамраислар Камол Мамбетов, Карим Расулов, Сергей Зининларнинг таржимаи ҳоллари баён этилган.

Шунингдек, газетхонлар ушбу сонда «Халқ бирлиги» ҳаракатининг дастури ва мазкур ҳаракат таъсис қурултойи қатнашчиларининг мурожаати ва бошқа қизиқарли мақолалар ҳамда шеърлар билан танишишлари мумкин.

Партия ва ҳаёт

БИР ТУМАН МИҚЁСИДА

Ўзбекистон ХДП сафларига ишбилармонларни кўпроқ жалб этиш заруриятга айланмоқда. Шуниси қувончлики, Китоб туманидаги кичик корхоналар, деҳқон-фермер хўжаликлари аъзолари, хусусий сармоя билан ишлаётган кўплаб кишилар партияга кириш истагини билдиришмоқда.

Ҳозир анча кўзга кўриниб қолган «Навбаҳор» хусусий ишлаб чиқариш фирмасининг 11 ишчиси ўз тақдирини ХДП билан боғлади. «Фарангис» кичик корхонасининг 5 аъзоси ҳам маслакдошлар сафига кирди. Яқинда консерва ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Соҳибкор» корхонасида меҳнат қилаётган 60 кишининг қарийб ярми ХДП аъзоси бўлишга аҳд қилишди. ХДП туман кенгаши айни кунларда мазкур корхонадаги тадбиркорларни партия аъзолигига тайёрлаш, унинг дастури, мақсад-режаларини ўрганишга яқиндан ёрдам бермоқда.

Туман вилоятдагина эмас, мамлакатда кўп ва сифатли пилла етиштириб беради. Икки йилдан буён бу борада анча қийинчиликлар туғилмоқда.

Пилла етиштиришни партиямиз кенгаши оталиққа олди, — дейди ХДП туман кенгаши биринчи котиби Абдураҳмон Турсунпўлатов. — Бу йил 7100 қути қурт уруғи парваришланди. Партиямиз фаоллари пилла топшириш билан бевосита шуғулландилар. Насиб этса, хирмон мўл бўлади.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАЪСИРЧАНЛИК КУЧАЙДИ

Ўзбекистон ХДП Боғот туман кенгаши ҳудудий партия ташкилотларига катта эътибор бермоқда. Ҳозир туманда 14 та ҳудудий партия ташкилоти бўлиб, уларга 412 нафар партия аъзоси бириккан.

— Ҳудудий партия ташкилотлари тузилганининг аҳамияти шундаки, — дейди ХДП туман кенгаши биринчи котиби Қ. Қурбонов, — партиянинг зиёлилар ўртасидаги таъсири кучайди. — Ҳудудий бошланғич партия ташкилотига бириккан аъзолар аҳоли истиқомат жойларида ташвиқот-тарғибот ишлари олиб боришда фаоллик кўрсатмоқдалар. Бу биринчи навбатда ўзлари ишлаётган меҳнат жамоаларида ишчанлик ва ташаббускорлик анъаналарини қайта жонлантирмоқда.

Феруз номидаги мактабда тузилган ҳудудий бошланғич партия ташкилоти 33 нафар партия аъзосини бирлаштирган. Унга тарих ва жамиятшунослик фани ўқитувчиси А. Бобожонова котиблик қилади.

Ҳар бир ўтказиладиган йиғилишда таълим-тарбия соҳасини яхшилаш, Президентимиз Фармонларининг жойларда бажарилишига доир долзарб масалалар муҳокама қилинади. Раҳбарлар, партия аъзолари дастлаб ишни ўзларидан бошлайдилар. Масалан, мактаб директори партия аъзоси Фарҳод Жабборов бошқаларга намуна. Ўқув даргоҳига қарашли икки гектар экин майдонида ҳар йили полиз ва сабзавот маҳсулотлари, минглаб туп мевали кўчатлар етиштирилади. Ердан унумли фойдаланиш эвазига 20 нафар аёлчи ўқувчига Феруз номидаги стипендия бериляпти. Етим-есирларга ва иқтисоди ночор оилалар болаларига байрам ва ҳайитларда совға-саломлар улашилади. 1994-95 ўқув йилида ўқув даргоҳи «Йил мактаби» деган шарафли номга сазовор бўлди.

Ўз таркибига 31 нафар ХДП аъзосини бириктирган «Қизил равот» ҳудудий бошланғич партия ташкилоти ҳақида ҳам илиқ гапларни айтиш мумкин. Унга Й. Нурматов котиблик қилмоқда. Йўлдош ака ўқитувчилик касбини эъзозлаб келаётган, узоқ йиллар мактабга директорлик қилган, элда обрў-эътибор қозонган жонкуяр инсон.

«Пахтакор», «Найман», «Бешариқ», «Маданият» ҳудудий бошланғич партия ташкилотлари ҳақида ҳам ижобий фикрларни билдириш мумкин.

Хуллас, ҳудудий партия ташкилотлари тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда, партия Дастуридаги мақсад ва вазифаларни амалга оширишда энг яқин кўмакчидир.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1995 йил 13 июнда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган ўн учта банки иштирок этди.

Сотув ҳажми 14,17 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати — 28,90 сўм даражасида қайд этилди.

Марказий банк 1995 йил 14 июндан бошлаб Ўзбекистон Республикаси махсус пул алмаштириш пунктларида фойдаланиш учун нақд АҚШ долларининг қуйидаги тижорат қийматини белгилади:

— Сотиб олиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 28,90 сўм.

— Сотиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 28,90 сўм.

Хорижий валютани сотиш чоғида сўм билан восита ҳақи олинади.

*) — Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ЧИМЁНДА ОРТТИРИЛГАН МИЛЛИОНЛАР

Тадбиркорларнинг биринчи республика бизнес-семинари ана шундай самарали бўлди

Бўстонлиқнинг хушманзара гўшаларидан бири Чимён манзилгоҳидир. Бу маскан қиш фаслида чанғичилар билан тўлиб тошса, ёзнинг жазирамасида ҳам шаффоф ҳавоси билан одамларни ўзига оҳанраболик тортади. «Тоққа чиқмасанг дўлона қайда» деганларидек, бу юксакликка кўтарилишнинг ўзи бўлмайди. Биз тушган яп-янги «Мерседес» автобуси ҳам илон изи каби бурама ва қалтис йўлдан «ҳансираб» олга силжирди. Бу ердаги сайёҳлар мажмуи яқинида дорли осма йўл истаган одамни машиналар ҳам чиқолмайдиган юксакликка элтади. Туйқусдан пастга қарасангиз юрагингиз «шув» этиб кетиши мумкин. Лекин, нима бўлганда ҳам, чўққи-чўққи-да! Уни забт этган одамнинг кўнглини аллақандай ғолиблик туйғуси чулғайди.

Назаримда, бу ерга республикамизнинг турли бурчакларидан ташриф буюрган 200 нафар тадбиркорнинг яқин 7—8 ой ичида бошлаган фаолиятини ана шу чўққига кўтарилишдаги фараҳбахш туйғуга ва журъатга таққослаш мумкин. Мен «журъат» сўзи ўрнида «таваккал» иборасини қўлламоқчи эдим, лекин вужудидан ғайрат ёғилиб турган бу ёшларнинг камоли ишонч билан гапиришларида таваккалдан кўра журъат кўпроқ намоён.

Ушбу анжуманнинг ташаббускори ва ташкилотчиси Ўзбекистон Республикаси кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамғарма. Лўнда қилиб айтганда «Бизнесфонд». Карвон каби келаётган тўртта автобус пешойнасига «Бизнесфонд» сўзи ёзилганди. Ғазалкентдан ўтаётганимизда ДАН ходимлари тўхтатишди. Бирор қоида бузилгани учун эмас, азбаройи бизнесчиларнинг қўлини қисиб қўйиш учун. «Ўзбекистонимиз қудратини ошириш учун жуда савобли ишлар қиляпсизлар, ҳаммасини телевизорда кўриб, газеталардан ўқиб боряпмиз» деди ДАН ходими. Ва бизга «Оқ йўл!» дея чест бериб қўйди. Биргина ана шу мисолдан «Бизнесфонд»нинг бугунги шуҳрати қандай эканлигини билиш мумкин.

Аммо бу довруқ ўз-ўзидан келмади. Саккиз ой муқаддам «Бизнесфонд» ҳисобида 308 сўм 95 тийин пул қолганди. Ҳозир унинг айланма сармояси 110 миллион сўмга етди. Мазкур жамғарманинг қамровини акс эттирувчи баъзи кўрсаткичларга назар ташланг: қисқа давр ичида «Бизнесфонд»нинг 14 та вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри бошқармалари, 187 туман ва шаҳар бўлинмалари ташкил этилди. Ушбу семинар илк бор ана шу бўлинмалар раҳбарларини бир жойга тўплади, бир-бирлари билан таништирди. Иштирокчилар чинакам бизнесчиларга хос иш тутиб, ҳатто мажлислар орасидаги танаффус дақиқаларида ҳам, кечки гурунгларда ҳам ўзаро фикр алмашдилар, шартномалар имзолашди. Биз ҳам қараб турмадик: семинар қатнашчиларидан интервью олишга ҳаракат қилдик.

Дилшод КАМОЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамғарма кенгаши раиси:

— Мазкур анжуман биз кутгандан ҳам кўпроқ натижани берди. Шундай куч-ғайратга тўла тадбиркорларимиз (булар ҳали раҳбарлари) бор экан, Узбекистонимиз келажаги чиндан ҳам буюк. Уларнинг ҳар бири билан лоақал сим орқали боғланганимизда ҳам неча ойлар талаб қилинарди. Лекин ҳеч нарса юзма-юз мулоқотнинг ўрнини босолмайди. Меҳр — икки кўзда, дейдилар. Вилоят бошқармалари раҳбарлари билан тез-тез учрашиб туришимиз мумкин. Семинардан асосий мақсад эса туман ва шаҳар бўлинмаларига амалий ёрдам бериш эди. Тадбиркорларимиз ҳузурида Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси ўринбосари Рустам Нуралиев, «Ўзтадбиркорбанк» бошқаруви раиси Алижон Юсупов, республика Давлат солиқ қўмитаси вакиллари, «Бизнесфонд»нинг пешқадам бўлинмалари раҳбарлари чиқиш қилдилар. Уларнинг ибратли сўзлари кўплаб тадбиркорлар кўнглида янгидан-янги ғоялар учун учқун бўлганини кўриб турдик.

Боймурод МАҲМАЕВ,
«Бизнесфонд»нинг Чироқчи туман бўлинмаси директори:

— Бу ерга келишимиздан сал олдин туманимизда фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди. Ҳозирги пайтда Чироқчида 130 та кичик ва ўрта корхона мавжуд. Очиғини айтганда, ҳудуд жиҳатидан Андижон вилоятига тенг келадиган, 220 мингдан кўп аҳоли яшайдиган Чироқчи тумани учун бу кўрсаткич жуда кам. Ваҳолонки, туманимизда кўплаб табиий хом ашё ва бойликлар мавжуд. Айтайлик, Қалқама тоғларидаги қиммат-баҳо мармар тошни қайта ишлашни йўлга қўйиш мумкин. Ёки Қумдарё қумидан турли хилдаги чинни буюмлар, шиша ва шиша идишлар ишлаб чиқариш учун чет эл сармоядорлари билан қўшма корхоналар очишимиз мумкин. Бу таклифларни «Бизнесфонд» раҳбариятига айтгандик, амалий ёрдам беришди. Чироқчида тадбиркорликни ривожлантириш бўйича 2000 йилгача белгиланган тадбирларимиз маъқулланди. Айни пайтда воҳадаги машҳур Чиял бозори типида янги бозорлар очиш масаласида ҳам республика жамғармаси моддий ёрдам беришни режалаштирди.

Жаъфарали МУСТАҚИМОВ,
«Бизнесфонд»нинг Наманган вилоят бошқармаси директори:

— Семинаргача Фарғона водийсидаги кўп касбдошларимизни танимасдик. Улар билан бу ерда дийдорлашдик, яқиндан бир-биримизни билдик. Қайси минтақада қандай маҳсулотга эҳтиёж бору қандай маҳсулотни харид қилиш мумкин — шу каби саволларга жавоб топдик. Агар таъбир жоиз бўлса, биз илгари бамисоли пилла ичидаги ғумбак каби ўз қобиғимиздан чиқолмай юргандик, энди борлиқни англаб тушуниб турибмиз.

Яна бир гап: авваллари тадбиркорларимиз жамғармадан ўйламай-нетмай кредит сўрашарди. Семинарда шундай хулосага келдик: олинажак пул айнан қайси маҳсулотни ишлаб чиқаришга сарфланадию, у қандай сотилади, кўрилажак фойда қанча бўлади? Ана шу жиҳатлар аниқ акс этган лойиҳалар керак. Хуллас, тадбиркорлик аниқ режа тузишни тақозо этади.



Ҳамидулла ЗОКИРОВ,
«Бизнесфонд»нинг Жиззах вилоят бошқармаси директори:

— Одатда бизнесменлар бирор қадам қўйишдан олдин қандай фойда олишни ҳисоблаб кўрадилар. Шу жиҳатдан оладиган бўлсак, мазкур семинар бизга бир неча миллионлар орттириш имконини берди. Яъни, Қозоғистондан келган вакил билан 600 минг сўмлик маҳсулот харид қилиш юзасидан шартнома имзоладик. Айни пайтда Тошкент, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларидаги ҳамкасбларимиз билан амалий битишувларни расмийлаштирдик.

Яна бир хулоса: шу пайтгача кредит олган корхоналар ҳисоб-китобини ўз вақтида таъминлаш тадбирини кўришимиз керак. Хусусан вилоятимизда «Хуршид», «Воҳид», «Ойбек» корхоналари баракали ёрдам олишганди. Бир сўз билан айтганда, семинардан катта-катта ғоялар билан қайтаяпмиз. Масалан, худди шундай анжуманни вилоятимиз миқёсида ҳам ўтказишни кўнглимизга тугдик.

Ҳар бир маърузадан кейинги савол-жавобларни тинглаш жудаям мароқли эди. Тадбиркорлар ўзлари дуч келган муаммолар ҳақида мутасадди раҳбарларни саволга тутдилар. Жуда кўп масалаларга аниқлик киритилди, чигалликлар ҳал этилди. Айниқса, семинарнинг иккинчи куни ўтказилган давра суҳбатида тадбиркорларни ўйлантираётган муаммолар бош мавзу бўлди. Ўрни келганда шуни таъкидлаш керакки, минбарга кўтарилган бирор маърузачи олдиндан тайёрланган матнни ўқиб бермади, залдагилар билан жонли мулоқотга киришди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас: бундай вазиятда қоғоздаги маърузани ўқиган нотиқни тўхтатиб қўйишлари табиий ҳол эди — қайси тадбиркор қиммати вақтнинг беҳуда кетишига йўл қўяди.

Анжуман қатнашчилари республикадаги барча тадбиркорларга мурожаат қабул қилишди. Унда тадбиркорликни ривожлантириш оммавий тус олиши учун мамлакатимизда барча шарт-шароит яратилганлиги таъкидланди. Асосий вазифалар қаторида мамлакатимиз озиқ-овқат мустақиллигини таъминлаш, истеъмол бозорини аҳоли учун зарур моллар ва хизмат турлари билан тўлдириш, ўзбек сўми кудратини мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг жаҳон майдонига кириб бориши учун курашиш зарур, деб ҳисобланди.

Чимёндаги бизнес-семинар унинг иштирокчиларини бир неча ойга илгарилаб кетиш имконини яратди. Демак, тадбиркорлар тили билан ифодалаганда, кўшимча миллионлар орттирилди. Бу йўлда шарафли ва масъулиятли, энг муҳими эзгу ниятларни дилларига жо этган тадбиркорларга омад тилаймиз.

Шуҳрат ЖАББОРОВ,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири.

АНИҚ ТАДБИРЛАР

Ҳамма нарсанинг асоси мустаҳкам бўлсин учун етти ўлчаб бир кесиш талаб қилинади. Узбекистон ХДП Юқори Чирчиқ туман кенгаши ана шу мезондан келиб чиқиб ҳаракат қилмоқда.

Яқинда туман партия кенгаши ташаббуси билан яна бир ҳайрли тадбир ўтказилди. Бу ерда уруш қаҳрамони Саидусмон Қосимхўжаев хотирасига бағишланган ўсмирлар ўртасида бокс бўйича мусобақа бўлиб ўтди. Турнирда Тошкент, Чирчиқ шаҳарлари, Қибрай, Бўстонлиқ, Юқори Чирчиқ туманларининг вакиллари қатнашдилар. Мусобақанинг очилиш маросими ҳам ўзгача бўлди: карнай-сурнайлардан кейин Ўзбекистон Давлат мадҳияси ижро этилди. Қаҳрамоннинг порлоқ руҳига бағишлаб Қуръони каримдан тиловат ўқилди. Оқсоқоллар, ёшлар гапиришди. Ёш спортчиларга эзгу ниятлар тиланди. Янги аъзоларга партия ҳужжатлари топширилди. Қаҳрамон хотираси учун мусобақалар ҳар йили ўтказиб турилишига келишиб олинди. Кейин мусобақалар бошланиб кетди. Уч кун давом этган турнир ғолибларни аниқлаб берди. «Турнирда биринчи ўринни эгаллаган жамоа» соврини Юқори Чирчиқ тумани ёш боксчиларига лойиқ кўрилди.

Шунингдек, «Энг тиришқоқ боксчига», «Турнирнинг энг ёш боксчисига», «Фаол ва ҳалол ҳакамга», «Энг яхши тренерга» каби кўплаб совринлар ўз эгаларига топширилди. Совринларни таъсис этган Республика «Уйғониш» корейс миллий маркази туман бўлими, АҚШнинг «Компютерланд» фирмаси Ўзбекистон бўлими, «Соғлом авлод учун» туман жамғармаси, туман фахрийлар кенгаши, Ўзбекистон ХДП вилоят ва мазкур туман кенгашлари, туман ҳокими сингари ҳомийлар мусобақа иштирокчиларига қулай шарт-шароит яратиб бериш ва уларни муносиб рағбатлантиришга ҳаракат қилдилар.

Турнир очилиши ва уни якунлаш маросимида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, вилоят партия кенгаши масъул ходимлари ва раҳбарлари қатнашдилар.

Абдунаби МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШРИФИ

АЛМАТИ. Туркия Президенти Сулаймон Демирэл 12 июнь куни расмий ташриф билан Қозоғистонга келди.

Алматида ўтган музокаралар чоғида Туркия билан Қозоғистон ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш ҳақидаги декларация, фуқаро ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида икки томонлама битим ва қурилиш компаниялари ўртасида шартномалар имзоланди.

Туркия Президентининг Қозоғистонга ташрифи чоғида икки мамлакат ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги баённома, фуқаролик ишлари юзасидан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги шартнома ҳамда «Қозэнерго» давлат энергетика компанияси билан «Сименс-БМБ-Бобок» консорциуми ҳамкорлигида Оқтуба туманида 954 меговатт қувватга эга бўлган электростанция қуриш тўғрисида контракт имзоланди.

Президент Нурсултон Назарбоев қабул қилинган ҳужжатлар Туркия билан Қозоғистон ўртасидаги мавжуд мустаҳкам савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш учун янги уфқлар очишини таъкидлади.

ҚИРҒИЗИСТОН ЎЗ МЕҲНАТ КОДЕКСИГА ЭГА БЎЛАДИ

БИШКЕК. Қирғизистон билан Россия мутахассислари ҳамкорлигида тайёрланган меҳнат кодекси Германия Федератив Республикаси ҳуқуқшунослари комиссияси томонидан ижобий баҳоланди. Айни вақтда мазкур кодекс Қирғизистоннинг вазирлик ва давлат муассасаларида урганиб чиқилмоқда.

Лойиҳа муаллифларидан бири, қирғизистонлик олим Николай Михайленконинг фикрича, йилнинг охирига бориб Қирғизистон ўз меҳнат кодексига эга бўлади.

НАЗОРАТ КУЧАЙТИРИЛДИ

Қирғизистон ҳукумати республикадан олиб кетилаётган рангли ва қора металл устидан назоратни кучайтиришга қарор қилди. Ушбу қарорга кўра, маҳаллий ҳокимият уч ой ичида рангли ва қора металл операциясини тартибга солиш ҳақидаги қонун лойиҳасини ҳукуматга тақдим қилиши керак.

Бугун мамлакатда фаолият кўрсатаётган кўплаб қўшма корхоналар республика бойлиги бўлмиш металлни хорижга сотиш билан оворадир. Мутахассисларнинг айтишича, улар фақат Россиядан келтирилган металлни Қирғизистон орқали Хитойга сотиш натижасида 20 миллион доллар фойда кўрган.

ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КЕНГ КУРАШ

Тожикистонда «Кўкнори-95» номли гиёҳвандликка қарши кенг кўламли кураш ўтказилмоқда. Яқинда Панжакент тумани ҳуқуқ посбонлари маҳаллий фуқаронинг ҳовлисида парвариш қилинаётган 2 минг туп кўкнори кўчатини топдилар. Тожикистон Ички ишлар вазирлиги матбуот хизматининг хабарига кўра, тадбир бошланганидан буён шу кунгача 200 минг туп кўкнори кўчати йўқ қилинган.

(Марказий Осиё ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Темурнома

СОҲИБҚИРОН МУҲРИ

«Шайх... менга бир чиғаноқ узук тортиқ қилди, унинг кўзида «рости-русти» сўзлари ёзилган эди».
Амир ТЕМУР.

Амир Темур 21 ёшга тўлганида шайх Зайниддин Абу Бакр Тайободийдан ғоят фахрли рамзий тухфа олади. Буюк мақсаднинг оғир, машаққатли сафарига куч-ғайрат, шижоат билан отланган ёш Амирга шайх оқ йўл ва омад тилар экан, ўз қўли билан унинг белига қамар боғлаб, бошига кулоҳ кийгизади ва чиғаноқ узукни тақдим этади. Амир Темур узук кўзидаги «рости-русти» сўзларининг маъносини ҳаққонийлик ва одиллик ҳар қандай балодан халос қилади, демакдир, деб талқин этади. Бу икки сўз Амир Темурнинг ҳаёт шиори бўлиб қолгани тарихдан маълум.

«Темур тузуклари»ни варақлар эканмиз, соҳибқироннинг ўз ҳаёт матлабига доим амал қилганини кўрамиз. Амир Темур ҳаёт йўли ва тажрибасини якунлар экан, ҳақиқат, ҳаққоният, адолат, раҳмдиллик каби фазилатларни кўп ўринда астойдил тарғиб этади, талаб қилади. «Агар парвардигор бирор кимсани улуғлаган бўлса, бу одам барча қилмишларида ҳаққоният ва адолат билан иш тутиб, ўз фуқаросига раҳм-шафқатли бўлса, унинг қудрати янада ортади», — дейди соҳибқирон ўз таржимаи ҳолида. Яна бир муҳим ихтибос: «Ўз қудратимни сақлаш учун мен бир қўлимда адолат шаъмини , иккинчи қўлимда бегаразлик шаъмини тутиб, ҳар икки шаъм билан бутун умр бўйи ўз йўлимни ёритиб юрдим. Барча қилмишларимда ана шундай адолат қоидаларига риоя қилдим».

Ушa тарихий узукни эслаганимизнинг боиси бор, албатта. Соҳибқирон шарафига бағишланган музейни Тошкентда қуриш тараддуди бошланиб кетган пайтда мутахассислар музей экспозициялари устида бош қотиришмоқда: музейда соҳибқирон номи билан боғлиқ реликвияларни, моддий-маданий ҳужжатларни жамлаш хаёлга келади. Бундан буён музей заҳирасига жамланадиган тарихий қадриятлар қаторида соҳибқирон қўли теккан, назари тушган ашёвий обидалар бўлса ажаб эмас. Балки эслаганимиз ноёб узук ҳам топилиб қолар. Биз эса Амир Темур номи билан боғлиқ бўлган яна бошқа узук — муҳрлар ҳақида хабар бермоқчимиз.

Амир Темурнинг Кичик Осиёда Франция қироли Карл VI (1380—1442) номига юборган икки хати маълум. Уша хатлардан бирининг асл нусхаси Парижнинг миллий кутубхонасида сақланмоқда. Хилда Хукэмнинг кўрсатишича, хатнинг охирида Амир Темурнинг муҳри бор. Иккинчи кичик муҳр эса варақнинг орқасида, пастида экан: учта кичик, чўзиқроқ доира учбурчак шаклида туғроси жойлашган ва шиор: «Рости-русти» сўзлари ёзилган. Бу муҳр — узук Амир Темурнинг шиори ва гербини тасвирлагани билан алоҳида аҳамият касб этади. Ўша тарихий номада сақланиб қолган муҳрларнинг тасвирини топиб, ундаги ёзувларни ўрганадиган пайт келди.

Амир Темур ҳақидаги кўплаб ҳужжат ва рақамлар асосида тарихий тадқиқот-қисса яратган инглиз олими Хилда Хукэмнинг яқинда русча чоп этилган «Соҳибқирон» китоби тарихий воқеликни ҳар жиҳатдан ҳам ҳаққоний тасвирлагани билан кўпчилик эътиборини ўзига тортди. Тарих ҳақиқатини тиклаш қанчалик қийин эканлиги маълум. Баъзан гўё арзимаган бир туртки катта бир тарихий давр эшигини очиб бериши мумкин. Аксари эса хато хулосага олиб келади. Янги китобни ғоят миннатдорлик билан ўқир эканмиз ана шундай ташқи томондан жозъий кўринган, моҳият эътибори билан муҳим аҳамиятга эга маълумотлар қаторида таассуф этарли нотўғри хулоса ва чалкашликларни учратамиз. Ахир Амир Темурдек буюк шахснинг китоб охирида саводсиз кўчманчи деб таърифланишига ақл бовар қилмайди. Ибн Арабшохнинг кўпчиликка маълум бўлган Амир Темур қиёфасини ориқ, қотма, бармоқлари ингичка, оёқлари узун деб тескари тасвирлаган сўзлари ҳам нотўғри талқин этилган. Маълумки, Ибн Арабшоҳ «Ажоиб ал мақдур» асарида Амир Темур қиёфасига, суврат ва сийратига оид қисқа, аниқ таърифларни қолдирган. Тарихчи чамаси 14 ёшлик пайти Амир Темурни шахсан кўрган, унинг салобати, муомаласи ва кўринишини яқиндан кузата олган, кейинроқ эса соҳибқироннинг яқинлари, ҳатто душманлари билан суҳбатларда бўлиб, тарихий маълумотлар билан бевосита танишган Ибн Арабшоҳ ўз эсдаликларида Амир Темурга нисбатан шахсий адовати бўлса ҳам, унга нисбатан ижобий таъриф берар экан, у баҳо самимий ва ҳаққонийлигига ишонмоқ керак.

Ибн Арабшоҳ ёши олтмишдан ошиб кетган, анчагина нуроний ҳисобланган соҳибқиронни қуйидагича тасвирлайди: «Темур баланд қадли, узун бўйли, тик қоматли, ғўё у қадимий паҳлавонлар авлодларидан бўлиб, кенг пешоналик катта бошли, ғоятда қучли ва салобатли, ажойиб бўлалик, ранги оқу-қизил юзли, лекин доғсиз, буғдой ранг эмас, қўл-оёқлари бақувват, елкалари кенг, бармоқлари тўғри, пойчалари семиз, қадди-қомати камолига етган, серсоқол, ўнг оёқ-қўли чўлоқ ва шол, икки кўзи бамисоли икки шам бўлсада шодлиги билинмас, йўғон овозли эди».

Ибн Арабшоҳ таърифи жуда аниқ ва лўнда, ҳеч қандай изоҳсиз соҳибқиронни тасаввур этиш мумкин. Айниқса, тарихчи Амирнинг «бармоқлари йўғон, пойчалари семиз» деган таъкиди яна бошқа бир тарихий қадриятда

жуда яққол исботини топгани диққатга сазовордир. Нью-Йоркнинг машҳур Метрополитен музейи экспонатлари орасида Марказий Осиё санъатининг ноёб намуналари ўрин олган. Бобокалонимиз ҳазрат Амир Темурнинг бармоқлари изи қолган муборак ва муътабар олтин узук — муҳр ўша музейда экан. Санъатшунос Эрнест Грюбенинг «Ислом санъати» китобида узук — муҳрнинг рангли тасвири берилган. Тилла узук ўймакор ислими нақшлар билан безатилган. Давра кўзига нефрит тош ўрнатилган. Давра ҳошиясида ҳатти насх ёзуви бор, тош жойлашган кўз тагида қандайдир кўфий хати битилган. Ҳозирча ёзувларни ўқиш имкони бўлмади, чунки ҳошиянинг катта қисми кўринмайди. Муҳр шакли ҳам номаълум. Узукка тегишли тўлиқ маълумотни Метрополитен музейи орқали олиш мумкин.

Бизни айниқса, ҳайратга солган ва қизиқтирган нарса узук-муҳрнинг ўлчами бўлди. Узук ички диаметри 25 мм. экан. Заргар-мутахассислар фойдаланаётган ҳозирги жадвалларни кузатсак, энг катта эркак узугининг диаметри 18-20 мм. бўлар экан. Демак Ибн Арабшоҳнинг алоҳида таъкидлаб айтганлари яна бир бор исботини топди: Амир Темурнинг йўғон бармоқлари, ҳеч шубҳасиз нисбатан катта узук бўлишини тақозо этган.

Соҳибқирон Ҳазрат Амир Темурнинг ҳақиқий сиймосини илмий жиҳатдан асослаб бериш соҳасида бир қанча йиллар давомида олиб бораётган тадқиқотларимиз исбот талаб жуда кўп муаммоларни ечишни тақозо этган эди. Биз игна билан қудуқ қазигандек ниҳоятда мураккаб бўлган иш жараёнидан бир шингилгина хабарни эълон қилдик, холос.

Кези келганда яна бир истак: Дунёнинг энг йирик музейлари (Лондон, Париж, Лиссабон, Истамбул, Мадрид, Нью-Йорк, Москва, Санкт-Петербург ва бошқалар)да Ҳазрат Темур ва темурийлар шаҳсига тегишли бебаҳо қадриятлар сақланиб келмоқда. Шу қадриятларнинг ҳозирги замон имкониятлари асосида нусхаларни Тошкент музейига тезлик билан олиш керак. Балки, баъзи музейлар валломатлик қилиб ўз бисотларига тушган Ўзбекистон ўтмишига доир қадриятлардан нусхалар тайёрлаб, янги тузилаётган Тошкентдаги Амир Темур музейига тухфа қилар деган умиддамиз.

Пўлат ЗОҲИДОВ,
архитектура фанлари доктори.

Ислоҳот ва транспорт

ФАРҒОНАНИНГ ЙЎЛЛАРИДА ТОПДИ БАХТИНИ



Ёз ҳавосининг ёқимли уфори танга ҳузур бағишлайди. Шундай ёқимли ҳаво қўйнида, ҳаммадан ҳам қуёш «ётоқдан» бош кўтараётган кез, «Икарус» ёки «Мерседес» русумли автобусда узоқ сафарга отлансангиз, унда тоза маза бўлади-да! Тўғриси, агар шундай сафарга чиқмаган бўлсангиз, албатта чиқинг. Ватанимизнинг кенглигини, унинг пурвиқор тоғларга, кенг яйловлари-ю, ҳушманзара боғ-роғларга бойлигини ўз кўзингиз билан кўрасиз.

Биз, журналистлар сафарларда кўп бўламиз. Ана шундай хизмат сафари билан гўзал Фарғонага йўл олдик. Олдинги ўриндиқларда ўтириб, Ватан кенгликларида

ошуфта кетяпмиз-у шофёрнинг хушмуомалалигидан кўнгиллар янада нурафшон бўлди.

Хуллас, барча ўриндиқлар йўловчилар билан тўла автобусимиз Фарғона сари елади. Чапдаст, бирин-кетин руль бошқараётган шофёрлар билан гапимиз қовушди. Гап орасида саволлар берамиз. Мулоқотда уларнинг «кўпни кўрганлигидан» дилимиз мавжланади.

— Бугун 1004-чи марта пойтахтдан азиз меҳмонларни гўзал диёримизга элтяпмиз, — дейди рулни бошқараётган шофёр. Сўнг, — Бизнинг соҳада ҳам ишларнинг равон бориши кўп жиҳатдан раҳбарларимизнинг ишбилармонлиги, ташкилотчилигига боғлиқ бўлиб қолди, — деди сухбатдошимиз чеҳраси ёришиб, — масалан, «Ўзавтотранс» корпорацияси бошлиғи Лерик Аҳметовни бир пайтлар Тошкентнинг Қўйлиқ даҳасидаги 56-автокорхонада директор бўлиб ишлаган кезларидан бери яхши биламан. Қолоқ корхонани кўз очибюмгунча республикада илғорлар каторига олиб чиққан эди. Одамохун, кишилар қалбини тез тушунадиган, ташкилотчи раҳбаримиз кўз ўнгимизда камол топди: кўпдан бери мамлакатимиз автомобилчиларига бошқош.

Раҳбар ўзи намуна бўлса, жамоаларда иш кўнгилдагидек боради, деган гап тўғри экан.

Ёнидаги шериги эса: — Шу касб — шофёрлик орқали обрў топдим, — деди. — Ўн фарзандни улғайтирмоқдаман. Ўтган йили эса «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган автомобилчи» бўлдим, — дейди-ю гапини ҳангомага буради. Тинглаяпмизу унинг сўзларини, бермоқчи бўлган саволимизни унутамиз. Гаплар гапга уланади.

Қарасак, манзилга ҳам етиб қолибмиз. Тушишга чоғландик. Автобус жойидан жилганда, манзилимизга етказган шофёрларнинг исми-шарифларини сўрамапмиз-а, деган афсус мияга урди. Начора, автобус узоқлашган эди. Унинг кетига тиркалган сонлар ҳам кўзга илинмасди. Хўп майли, дедик-да «Фарғонатранс»га йўл олдик...

«Фарғонатранс» давлат ҳиссадорлик бирлашмасида истараси иссиқ йигит ўзини бошқарув раиси Маҳмуджон Жўраев деб таништирди-да, хонасига бошлади. Бизнинг Тошкентдан тўғри бу даргоҳга келаётганлигимизни сезгандан сўнг:

— Ишларимиз яхши. Кўрсаткичлар ҳам чакки эмас. Бу эса тармоғимизда фаолият кўрсатаётган ҳар бир ходим ва ишчининг ўз ишига масъулият билан ёндашиши натижасидир. Уларнинг аввало барчасига раҳмат!

Бошлиқ хонасида ўтириб ўтган йилги ва шу йил биринчи чорагида бажарилган ишларнинг хулосалари — сон ва рақамларга эътибор берамиз: режадаги 1500 минг ўрнига 1582 минг тонна халқ хўжалиги юклари, йўловчи ташиш 42 миллион ўрнига 45,3 миллион сўмлик, енгил таксилардан фойдаланиш 107,5 фоизга бажарилган. Ўтган йилга нисбатан автобусларнинг иш режими ўртача 0,5 соатга камайган. Натижада йил бошидан шаҳарлар ва шаҳар атрофи йўналишларида бирлашма бўйича фақат фойдали ишлашга эришилган. Масалан, олинган фойдалилик даражаси вилоят шаҳарлари йўналишларида 11,5 фоизни, шаҳар атрофи йўналишларида 12,9 фоизни ташкил этганки, бу мамлакатимиз «Ўзавтотранс» давлат корпорацияси бўйича ҳам яхши кўрсаткичларни ифодалар эди.

Хўш: қоғозлардан ташқарида ҳам шундаймикин? Шу мақсадда «Фарғонатранс» давлат ҳиссадорлик бирлашмасининг жойлардаги ташкилотларида бўлдик. Бирлашманинг Фарғона шаҳридаги юк ташишга мўлжалланган шаҳар автокорхонасидамиз. Гўё тайёрагоҳни эслатгувчи автокорхонанинг кенг ясланган асфальти устида турли русумдаги юк машиналар турна қатор турарди. Мазкур автокорҳонада бирлашма ёрдамчи хўжалигидаги қорамолларнинг асосий қисми боқилар экан. Муъжазгина бир гектарлик иссиқхонасида эса қишда ҳам лимон етиштирилади. Албатта, бу вилоят автотранспорт тармоғидаги ишчи ва ходимларнинг қисман бўлса-да озиқ-овқат маҳсулотлари, гўшт ва сутга бўлган талабини таъминлайди.

Тошлоқ автобус-такси саройи ҳам вилоятнинг илғор жамоаларидан. Биз бунга бу ерда бўлганимизда яққол гувоҳ бўлдик. Жамоа шу йилнинг ўтган ойларида вилоятда юқори кўрсаткичларга эришган. Шу боисдан автокорхонада ҳам ишчи ва хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Масалан, шу йилнинг I мартидан Президентимизнинг қарорига асосан корхонада ҳар бир кишининг маоши ўртача 350 сўмга кўтарилди. Натижада шофёрларнинг маоши 1200 сўмга етди.

— Йўл нархлари ошгандан бери йўловчилар бироз камайгандек, — деб гап бошлаб қолди «Фарғонатранс»нинг Фарғона бош бекати бошлиғи Турсунбой Собиров. — Бу эса баъзан маршрут бўйича бориб келаётган автобусларимизнинг харажатини қопламай қолмоқда. Излаган имкон топар экан. Шу боисдан биз жамоамиз билан келишган ҳолда аввалгидек маршрутлар сонини йўлга қўйганмиз. Бош бекатимиздан эндиликда МДҲ республикаларига ва бошқа чет давлатларга ҳам автобуслар қатновини ташкил қилдик...

«Фарғонатранс» давлат ҳиссадорлик бирлашмасидан катта таассуротлар билан қайтдик. Ишқилиб, Ватан кенгликларида елдирим машиналар рулини бошқариб шаҳар ва қишлоқларни бир-бири билан боғлаб, одамлар узоғини яқин қилаётган, халқ хўжалиги учун зарур юкларни ташиётган касб фидойиларининг ишлаш, яшаш шароитлари билан бироз бўлсада танишдик.

Бирлашма раҳбари Маҳмуджон Жўраевдан «Фарғона — Тошкент» йўналишида 1004-марта қатнаётган шофёрнинг исми-шарифини сўраймиз.

— Ундайлар кўп бизда, ким экан-а, у жилмайди. Сўнг, — Кейинги гал келганингизда билиб қўямиз. Ҳозирча 3-автокорхонадан шофёр Ислом Боймирзаевни, 24-дан аккумуляторчи Мирзаҳаким Маматқуловни, 55-дан уста Аваз Шокировни, 64-дан шофёр Иброҳим Рустамовни, 66-автокорхонадан шофёр Ҳабибулло Болтабоевларни ёзиб олинг, — деди. Биз ҳам кўндик. Келгуси сафар албатта 1004-марта (ушанда нечанчи марта бўлади, билмадик) пойтахтдан меҳмонларни гўзал Фарғона тупроғига элтаётган, автобус рулини моҳирона бошқараётган шофёрни топамиз, ҳа топамиз, ишонаверинг!

Ҳамид ИКРОМОВ,
Маъмуржон ҚИЁМОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.

Суратларда: 1. Фарғона шаҳри бош бекати бошлиғи Турсунбой Собиров (ўртада) шофёр Қаҳҳор Камолов (ўнгда) ва диспетчер Йўлдошали Маҳкамбоевлар билан янги йўналишга автобус жўнаши олдидан суҳбатлашишмоқда.

2. Алиасқар Соиров Тошлоқ автобус-такси саройининг қўли гул, юқори даражали усталаридан.

Н. АЛМУРОДОВ олган суратлар.

КЎЧМАС МУЛК - КЕТМАС САРМОЯДИРІ

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти бўлими, вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги билан биргаликда

28 июнь куни соат 11.00 да

КИМ ОШДИ САВДОСИНИ ЎТКАЗАДИ.

САВДОГА ҚУЙИДАГИЛАР ҚЎЙИЛАДИ:

ЕР УЧАСТКАЛАРИ:

"ҒАЗАЛКЕНТ" ЖАМОА ХЎЖАЛИГИДАГИ 7 ТА ЕР УЧАСТКАСИ. Ҳар бирининг сатҳи — 300 кв.м. *Бошланғич нархи — 4393 сўм.*

"ДУМАЛОҚ" ЖАМОА ХЎЖАЛИГИДАГИ 7 ТА ЕР УЧАСТКАСИ. Ҳар бирининг сатҳи — 400 кв.м. *Бошланғич нархи — 6500 сўм.*

"ДУМАЛОҚ" ЖАМОА ХЎЖАЛИГИДАГИ 7 ТА ЕР УЧАСТКАСИ. Ҳар бирининг сатҳи — 400 кв.м. *Бошланғич нархи — 6500 сўм.*

"ПАРГОС" ЖАМОА ХЎЖАЛИГИДАГИ 7 ТА ЕР УЧАСТКАСИ. Ҳар бирининг сатҳи — 400 кв.м. *Бошланғич нархи — 6750 сўм.*

"ПАРГОС" ЖАМОА ХЎЖАЛИГИДАГИ 7 ТА ЕР УЧАСТКАСИ. Ҳар бирининг сатҳи — 400 кв.м. *Бошланғич нархи — 6750 сўм.*

ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН ИНШООТЛАР:

ХОНДАЙЛИҚ ҚЎРҒОНИДАГИ 10-СОНЛИ МАКТАБ БИНОСИ. *Бошланғич нархи — 3721940 сўм.*

ТОВОҚСОЙ ҚЎРҒОНИДАГИ ДОРИХОНА БИНОСИ. *Бошланғич нархи — 265430 сўм.*

Мурожаат учун телефонлар:
- Тошкент шаҳрида (3712) 33-38-42.
- Ғазалкент шаҳрида (274) 21-876.

АРИЗАЛАР:
— Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси — 51, 2-қават, 78-хона (Тошкент вилояти ҳокимлиги биносида);
— Ғазалкент шаҳар (туман ҳокимлиги биноси, хусусийлаштириш бўлимида) ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

КИМ ОШДИ САВДОСИ ҒАЗАЛКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИНИНГ МАЖЛИСЛАР ЗАЛИДА 28 ИЮНЬ КУНИ СОАТ 11.00 ДА БОШЛАНАДИ.

ТАШКИЛОТ

Тошкент шаҳридаги омбордан сиғими 50 кг. ли полипропилин қопларни пул ўтказиш йўли билан

СОТАДИ.

Телефонлар: 44-23-13, 44-31-36.
Манзилгоҳ: Тошкент, А. Қодирий кўчаси, 7-а уй, 309- хона.

«Амир» илмий-ишлаб чиқариш фирмаси
ТУГАТИЛАДИ
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида қабул килинади.

UZDUNROBITA cellular

ҲУРМАТЛИ ФУҚАРОЛАР, КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТ, МУАССАСА, ХОРИЖИЙ ФИРМАЛАР, КОМПАНИЯЛАР РАҲБАРЛАРИ ҲАМДА ХОРИЖИЙ МЕҲМОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳридаги уяли телефон алоқалар сиғимини ошириш бўйича ишлар олиб борилаётганлиги сабабли вақтинча, шу йилнинг август ойигача радиотелефонларни сотиш ва уларни тизимга улаш тўхтатиб турилади. Нокулайликлар учун узр сўраймиз.

"ЎЗДУНРОБИТА" ҚЎШМА КОРХОНАСИ

СОТИБ ОЛИНГ ВА ЭГАЛИК ҚИЛИНГ!

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти бўлими ва вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлиги билан биргаликда *30 июнь куни соат 11.00 да*

КИМ ОШДИ САВДОСИНИ ЎТКАЗАДИ

Савдога қуйидагилар қўйилади:

"ЯНГИ ТУРМУШ" ЖАМОА ХЎЖАЛИГИДАГИ 20 ТА ЕР УЧАСТКАСИ. Ҳар бир участканинг сатҳи — 600 кв.м. *Бошланғич нархи — 9000 сўм.*

ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН ИНШООТЛАР:

ҚОРАҚЎЙИЛИ ҚЎРҒОНИДАГИ МАКТАБ БИНОСИ. Бошланғич нархи —2088080 сўм.

"XXI ПАРТСЪЕЗД" ҚЎРҒОНИДАГИ МАКТАБ БИНОСИ. Бошланғич нархи — 355750 сўм.

КИМ ПЕН ХВА НОМЛИ ЖАМОА ХЎЖАЛИГИДАГИ МАКТАБ БИНОСИ. Бошланғич нархи — 319250 сўм.

ТЎЙТЕПА ШАҲРИДАГИ БОЛАЛАР БОҒЧАСИ БИНОСИ. Бошланғич нархи — 124880 сўм.

ЧИҒИРИҚ ҚЎРҒОНИДАГИ БОЛАЛАР БОҒЧАСИ БИНОСИ. Бошланғич нархи —4872390 сўм.

ЧИҒИРИҚ ҚЎРҒОНИДАГИ ОЗИҚ-ОВҚАТЛАР ДЎКОНИ БИНОСИ. Бошланғич нархи — 113360 сўм.

Аризалар:
— Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси — 51, 2-қават, 78-хона (Тошкент вилояти ҳокимлиги биносида);
— Тўйтепа шаҳар (туман ҳокимлиги биносида, хусусийлаштириш бўлимида) ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

КИМ ОШДИ САВДОСИ ҒАЗАЛКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИНИНГ МАЖЛИСЛАР ЗАЛИДА 30 ИЮНЬ КУНИ СОАТ 11.00 ДА БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун телефонлар:
Тошкент шаҳрида — (3712) 33-38-42.
Тўйтепа шаҳрида — (276) 21-278.

Юртим алпомишлари

ҲАВАС ҚИЛГАН ЕТАР МУРОДГА

Баҳром полвон бор-йўғи 25 ёшда. Қишлоқ боласи. Ғузорнинг Сийроқидан. Отаси Бекназар эса Ризо Фозилов устозлигида кураш тушганлардан. Боболари Авазбек билан Ёрмат чавандоз бўлишган. Яхши кўрган амакиси Пирназар уни илк бор даврага етаклаган. Онаси Ҳадича ҳам полвон ўғлидан мамнун. Оилада уч ўғил, беш қиз.

Баҳромда ўта жангарилик, чапдастлик, шердек ҳамла қилиш, тутганини қўймаслик бор. Шижоатини зўр-базўр яширади. Сермушак елкалари, қабариқ кўкси, бўртиб турган билаклар полвонга ҳайбат бахш этган. Гаплари содда — оқ кўнгиллигидан нишона. Айтишларича, Баҳром 8 йиллик мактабни битиргач, ўрта маълумот учун қўшни қишлоққа ҳар куни 5-6 км.га югуриб, ўзини чиниқтирган. Кейин Қарши дорилфунуни. Ҳарбий хизмат. Университетда у жисмоний тарбия ва спорт кафедраси мудири. Миллий кураш бўйича Ўзбекистон спорт устаси, самбо ва дзюдо бўйича собиқ Иттифоқ спорт устаси Сайфулла Расуловга шогирд тушди. Ҳозир эса ўзи шу даргоҳда устозлик қилмоқда.

— **Сизга Баҳромнинг қайси жиҳатлари ёқади? — сўраймиз Сайфулла полвондан.**

— Ўқиб юргандаёқ ёқиб қолганди. Қарасам кўзлари чақнаб, бўламан деб турибди. Синаб кўрдим. Билдимки, тўй курашларда шаклланган. Ичдан илдираб тортиш ёки елкадан ошириб уришга уста экан. Катта майдонга тушавериб, устозлар ўтган шогирдга айланди. Баҳромдан умидимиз катта. 1990 йилдан кейин номи тилга туша бошлади. Кейинги йил II-ўринни, орадан йил ўтиб Шаҳрисабзда Амир Темур хотирасига бағишланган халқаро беллашувда эса ғолиб бўлди.

— **Баҳромжон, ат - Термизий хотирасига бағишланган II халқаро турнирда Рустам Эргашев билан курашиб, фахрли иккинчи бўлдингиз. Чет эл гилами, 700 доллар билан мукофотландингиз. Курашни томошабинлар қатори ойнаи жаҳон орқали ҳам миллионлар зўр қизиқиш билан кузатдилар. Мусобақа ҳақида гапириб берсангиз?**

— Бу йил мамлакатимиз полвонлари мусобақага зўр тайёргарлик билан келишди. Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил дейишади. Аввалига кучли полвонлар курашга тушмади. Мутлақ ғолибликни кўзлашди. мен биринчи кун ҳам курашиб, финалга чиқдим. Иккинчи куни сурхонлик Тўра Эшнаев билан беллашиб «чала» ва «ёнбош» ҳисобида ғолиб бўлдим. Кейин Амир Темур хотира соврини учун мутлақ чемпион Абдуқодир Пирматовга рўбарў келдим. Тайёргарлиги яхши-ку, негадир сусткашлик қиларди. «Дакки» олди. «Чала» баҳоси билан униям ютдим. Кейин мутлақ чемпионлик учун Рустам полвон билан олишишга тўғри келди. Тенгма-тенг курашдим. Бироқ ғалаба Рустамга насиб этган экан. Ҳасад эмас, ҳавас қиламан. Иншоолоҳ, ҳали олдимизда қатор мусобақалар. Кам бўлмадим. Аргумоқ, гилам ва анчагина доллар билан сийлашди.

ПОЛВОН ДУОСИ

Исмоил полвоннинг таърифини эшитгандим. Уни бир кўриб суҳбатини олиш ниятим эди. Худо берган келбат ва куч-қувватли Исмоил полвон 60-йилларда миллий кураш фахри, эркин ва классик кураш, самбо бўйича спорт устаси эди. Уч бор собиқ Иттифоқ халқлари спартакиадаси иштирокчиси. 18 марта чемпион бўлган. Жаҳондаги 6 нафар 240 килограммлик полвонлардан бири.

Шу йил баҳорда полвонлар ат-Термизий ҳоки-пойини зиёрат қилишди. Полвочни шу ерда учратдим. Кейин суҳбатга тортдим.

— **Термизга хуш келибсиз! Ҳозир кўнглингиздан нималар кечмоқда?**

— Биласизми, полвон ҳам худди шоир каби ёки бахшидай гап. Бу ерда бухороча курашнинг шунчалик шарафланишидан мамнун бўлдим. Полвон бўлиб даврага кирганимдан буён курашни кўриб, ўрганиб хулосага келдимки, бухороча курашда самбо, дзюдо, грек-румо, ҳатто каратэ ва таэквандо-ю гуржиларнинг чаадисига хос усуллар уйғун экан. Шу боис бухороча курашнинг устаси барча кураш йўлларида эркин ҳаракат қила олади. Бу гапни 60-йиллардан буён айтаман. Ўша йиллардаёқ японлар бизга келиб курашимизни ўрганиб, ёзиб дзюдо шов-шуви кўтаришди. Андек тарғибот ҳам керак эканда. Тўғри ҳали мустақил эмасдик. Ҳар қандай миллий қиёфа Москвада шаклини ўзгартирарди. Қарангки, самбо бўйича жаҳон чемпионлари Хушвақт Рўзиқулов, Сайфиддин Ҳодиев, Собир Қурбонов, ўзим ҳам тўй курашдан чиққанмиз. Орзум бухороча курашни олимпиада ва жаҳон майдонларида кўриш.

— **Қайси полвонлардан кўнглингиз тўқ?**

— Полвонлар юрт фахри, қувончи. Эрали, Маҳмадўст, Даврон, Ўрол, Рустам, Баҳром, Холтўра-ю Владимирнинг курашлари маъқул.

— **Ўғилларингиз ҳам кураш тушадими?**

— 6 ўғил, 4 қизим бор. Бахтиёр, Ҳасан-Ҳусанлар кураш тушади, спорт устаси. Айниқса, невараларим Санжар ва Суҳробдан умидим катта.

— **Ё пирим, деганда кимларнинг номини йўқлайсиз?**

— Ҳазрати Али Шоҳимардон, Рустами Достон. Устозим таниқли мураббий Қудрат Тошевлар ёдга келади.

— **Сиз касбилик машҳур полвон Маҳмудхоннинг жияни экансиз, келинг бир дуо қилинг, полвонларимизни жаҳон кўрсин...**

— Илоҳи омин, мустақиллигимизни ёмон кўзлардан асрасин. Алпомиш тупроғида улғайган полвонларимиз оламгирлик даражасига етиб, жумлаи жаҳон тан бериб юзимиз ёруғ бўлсин!

Ғози РАҲМОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОТ ЎРНИНИ ТОЙ БОССА

Ургутда табиатан ғўзал, ҳавоси беғубор қишлоқлар кўп. Уларнинг аксарияти тоғ бағридаги сўлим масканларда жойлашган. Қоратепа тоғ тизмалари бағридаги Қизилтўриқ қишлоғи ҳам ана шундай маскан. Бу ердаги 80-ўрта мактабнинг нафақат ёшлар, балки бутун қишлоқ одамларининг билимли, меҳр-оқибатли бўлишида беқиёс ўрни бор. Билим масканига тажрибали педагог Наби Ғаниев ўттиз икки йил раҳбарлик қилди. Бу даврда мактабда таълим-тарбия ишлари яхшиланди. Бунга ўқитувчилар меҳнатига бўлган талабчанликнинг ошганлиги сабабли эришилди.

Сулола

Наби Ғаниевнинг иш услуби тумандаги кўплаб мактаб раҳбарлари учун ўрганишга арзирли. Наби ака ўқувчилари ҳар йили олимпиадаларда муваффақиятли иштирок этишади. Битирувчиларнинг аксарияти олий ўқув юртларда таълим олишади. Устоз мактабда таълим-тарбия ишларини жойига қўйиш билан бирга ўз фарзандлари тарбиясига ҳам катта эътибор беради. У 15 нафар ўғил-қизни хушфеъл, билимли қилиб ўстирди, унинг тўрт нафар фарзанди ота изидан борди. Ўғли Фарҳод Ғаниев Самарқанд Давлат дорилфунуни жўғрофия факультетини тугатган. Самарқанд давлат меъморчилик-қурилиш институти доценти. Равшан ҳам шу институт талабаси, Шуҳрат Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида, Алишер эса Самарқандда автомобиль ва муҳандислик билим юртида талаба, Тоҳир Ургут туманидаги О.Узоқов номли жамоа хўжалигида бригадир, Даврон Ғаниев Самарқанд шаҳар ҳокимлигида иқтисодчи бўлиб ишлайди. Қизлари эса ўзига тинч, оилали бўлиб кетишган. Энг кичик фарзанди Улуғбек мактаб ўқувчиси.

Қирқ бир йиллик меҳнат фаолиятини ёш авлод тарбиясига бағишлаган Наби ака Ғаниев меҳнат нафақасига ўз аризаси билан чиқди. Мактаб маъмурияти домланинг ўғли Фарҳод Ғаниевдан отасининг масъулиятли ишини давом эттиришни сўради. Меҳнат фаолиятини 1974 йилда шу билим даргоҳида бошлаган Фарҳод Ғаниев биринчи тоифали ўқитувчи сифатида бой тажрибага эга.

От ўрнини той босар, деган ҳикмат бор. Жамоатчилик нияти амалга ошиб, илмгоҳ раҳбарлиги ишончли қўлга топширилса қўнгилдаги қатор режалар амалга ошган бўларди. Раҳбар билан унинг қўлида ишловчилар мақсади муштарак бўлса ҳар бир муаммо ечилгучидир.

Убайдулло ХЎЖАНИЁЗОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг вилоятлараро тарғибот маркази ходими.

— Шу куннинг нафаси —

Меҳр-шафқат

НОГИРОН БОЛАЛАР КЎНГЛИНИ ОВЛАБ

• ТОШКЕНТ иккинчи ногирон болалар уйида ўзига хос меҳр-шафқат тадбири ташкил этилиб, кўнгли ўксикларга саховат кўрсатилди.

Бу ерда 350 нафардан кўпроқ турли миллат вакиллари тарбияланмоқда. Фикрлаш қобилиятлари дардчил ҳисобланган бу болаларга тажрибали шифокорлар умид билан қарамоқдалар. Турли даволаш усуллари қўлланилмоқда. Болаларнинг ҳаёт қувончини ҳис этишлари учун ҳаракат қилинмоқда. Яқинда бу ерда хайрия кечаси ташкил этилди. Унда тадбиркору ишбилармонлар ва қўшма корхоналарнинг мутасаддилари саховат кўрсатдилар. «Ўзбекистон» ва «Замин» гуруҳларининг хонандалари куй-қўшиқлар билан болалар кўнглини кўтаришди. «Хэн-Продюс», «Супер-Стар» ҳамда «Госие» каби қўшма корхоналар болаларга аталган совға-саломларни улашдилар.

Эркин АЗИМОВ.

Қулайлик

ХАЛҚАРО ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ

• САМАРҚАНД (мухбиримиздан). Кимёгарлар шаҳарчаси аҳолиси ҳам халқаро телефон алоқаси хизматидан фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

Бу ерда икки минг абонентга хизмат кўрсатувчи телефон-автомат станцияси ишга туширилди. Бу 25-АТСни келажакда ўн минг номергача кўпайтириш кўзда тутилган. Самарқанд алоқачилари ўз фаолиятларида ошкоралик усулини қўллашмоқда. Хусусан, қайси кўчада ё станцияда телефон ўрнатишга имкон борлиги вилоят рўзномаларида эълон қилиниб борилади. Алоқа станцияси раҳбарлари эса ойига бир марта жойларда учрашувлар ўтказишади. Шаҳар ва шаҳарлараро бирлашган телефон станцияси бошлиғи Х. Ҳакимовнинг таъкидлашича самарқандликлар ҳозир олтмиш мингдан кўпроқ телефон номеридан фойдаланишмоқда.

Фармон ТОШЕВ.

Кимошди савдоси

МУЛКДОР БЎЛИШ НИЯТИДА

• АНДИЖОН (мухбиримиздан). Республика кўчмас мулк биржасининг Андижон шўъбаси Пахтаобод туманида кимошди савдосини уюштирди.

Савдога мулкдор бўлиш ниятида келганлар кам бўлишмади. Харидорлар, айниқса, «Соҳил» чойхонасига кўпроқ қизиқдилар. Кимошди савдосига қўйилган маданий-маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларининг дастлабки баҳоси 815,9 минг сўм қилиб белгиланган эди. 1 миллион 246 минг сўмлик савдо қилинди. Мулк шаклининг ўзгариши жойларда аҳолига савдо хизмати кўрсатиш даражасини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

УМРЛАРИДАН БАРАКА ТОПИШСИН

Яқинда республика Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли 1-клиник шифохонада хўжалик ҳисобидаги янги умумий терапия бўлими очилди. Унда беморларнинг кўнгилдагидек даволаниши учун барча қулайликлар яратилган. Хоналар бир ва икки кишилик. Ҳозирги тақчиллик шароитига қарамай муолажа учун зарур бўлган ҳамма асбоб-ускуналар ҳамда дори-дармонлар муҳайё этилган. Ўз касбининг фидойиси бўлмиш Раззоқ Болтаевич Рўзметов бошлиқ шифокорлар ва ҳамширалар кишилардан меҳрларини дариғ тутишмаяпти. Улар куну тун беморлар қошида парвона.

— Хўжалик ҳисобида бўлгандан кейин даволаниш ҳам пуллик бўлади-да? — сўраймиз ўз соҳасида катта тажрибага эга бош шифокор, ажойиб ташкилотчи Мурод Холматович Қодировдан.

— Ҳа, албатта. Барча соҳада бозор шароитига ўтиляпти, табобат ҳам бундан мустасно эмас. Яратилган шароитларни ўзингиз кўряпсиз. Ҳар бир хонада музлатгич, телевизор, телефон, иссиқ ва совуқ сув каби қулайликлар муҳайё. Табиийки буларнинг барчаси катта харажатларни талаб этади. Яна шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, республикамизнинг табобат борасидаги йирик илмий марказларидан кўпи ҳамда 1 — ТошМИнинг тармоқ кафедралари бизнинг шифохонада жойлашган. Зарурат бўлганда беморларни кўриш, даволаш борасида уларнинг маслаҳатларидан ҳам фойдаланамиз. Улар орасида номлари бутун республикага маълум ва машҳур, ҳар бири ўз соҳасида мактаб яратган Ў. Орипов ва Н. Мажидов (буларнинг ҳар иккиси Америка Қўшма Штатлари академиясининг академиги бўлиб сайланганлар), Д. Арустамов, Х. Янбаева, А. Алявий, У. Асқаров, Ф. Ан каби тиббиёт жабҳасининг дарғалари бор. Уларнинг ёрдами беқиёс бўляпти.

— Аҳолининг баъзи тоифаларига имтиёз борми?

— Тиббиёт ходимлари учун битта хона ажратдик. Маҳалла оқсоқоллари учун ҳам махсус хона бор. Бундан ташқари, уруш ва меҳнат фахрийлари ўзлари охирги ишлаган жойларидан — корхона, муассаса ёки ташкилот ҳисобидан пул ўтказиш йўли билан ҳам даволанишлари мумкин. Узоққа бормайлик, бўлимнинг 8-хонасида даволанаётган Тошкент вилоятининг Паркент туманидан келган отахон билан суҳбатлашишингиз мумкин.

— Акромжон Аҳмаджонов бўламан. «Коммуна» жамоа хўжалигидан келганман, — деб ўзини таништирди бемор. — Паркентнинг ўзида уч ойю ўн кун ётдим, нафи бўлмади. Сўнг бу ерга икки қўлтиғимдан кўтариб олиб келишди. Мана, энди ўзингиз кўриб турибсиз, анча яхшиман. Хўжалик раҳбарларининг отасига минг раҳмат, даволаниш ҳақини ўшалар тўлашди. Бутун умрим бўйи қилган меҳнатимни қадрлашди. Дўхтир ўғил-қизларим умрларидан барака топишсин.

Олижаноб касб эгалари бўлмиш шифокорлар шаънига ёғилаётган миннатдорчилик сўзлари улар учун ҳар нарсадан ортиқдир.

Исмоил СУЛАЙМОНОВ.

Спорт

Чавандозлик

ОТ ЎЙНАТИБ

Тошкент отчопарида ўтказилган шаҳар биринчилиги ниқобозларда яхши таассурот қолдирди.

Учкураш баҳсларида С. Силаньтев, А. Павленко ва Ж. Умаровлар фахрли ўринларни эгаллашди. Аргумоқлар билан тўсиқлардан ошиш мусобақасида А. Мартинов билан Р. Мавлонов маҳорат кўрсатдилар. От йўрттириш нафосатга бойлиги билан ҳамиша мухлисларни ром этади. Мусиқага мос от ўйнатишда сувори қизлардан Анна Лисяк билан Светлана Звереваларнинг чиқишлари олқишга сазовор бўлди.

Кураш

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ОЛДИДАН

Яна бир неча кундан кейин Филиппин пойтахтида Осиё чемпионати бошланади.

Тошкентдаги армиячилар спорт мажмуида ўтказилган мамлакат чемпионати ана шу йирик мусобақага тайёргарликнинг муҳим босқичига айланди. Эркин кураш бўйича Атхам Очилов, Ғайрат Йўлдошев, Бахтиёр Раҳимов, Баҳром Саидов, Руслан Хинчагов каби полвонлар ғалаба қозонишган бўлса, грек-румо усулида беллашишда Дилшод Орипов, Аслиддин Худойбердиев, Ислом Кенжаев, Юрий Кольман каби курашчилар ғолиблик супасига кўтарилишди. Курашчилар устози Комил Фатхуллин мусобақа ғолибларидан иборат терма жамоа билан Осиё чемпионатида муваффақият қозонишини мўлжаллаб турибди.

"МУСТАҚИЛЛИК"

"МУСТАҚИЛЛИК" пул-буюм лотереясини сотиб олиб Сиз катта ютуқ соҳиби бўлишингиз мумкин.

ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ



Лотерея билетининг баҳоси 10 сўм.

Ютуқлар тиражи 1995 йил 29 — 30 август кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Ютуқлар тиражида автомобиллар, телерадиоаппаратуралар, мебель тўпламлари, электржиҳозлар, кир ювиш машиналари ва бошқа турдаги халқ истеъмоли моллари ўйналади.

Лотерея билетларини жамғарма банкининг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан, савдо ташкилотларидан ҳамда жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

Тўлиқ маълумотларни жамғарма банкининг исталган муассасасидан, алоқа бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 33-51-95, 45-35-49, 45-66-43.

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ.
МАРКАЗИЙ БАНК.
ЖАМҒАРМА БАНКИ.
АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ.
ЎЗБЕКСАВДО.
ЎЗБЕКБИРЛАШУВ.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир

ДЕВОР ТОРТИШ «СИРЛАРИ»

У муқаддам судланган. 55 га киради. У ўз ҳовлисининг атрофини баланд қилиб пахса девор билан ўраганда қўшнилар ёқа ушлашди. Қариганда феъли кетмасин экан-да, дея орқаворотдан гап отганлар ҳам бўлди. Нақ 3 гектар ерга девор тортишнинг ўзи бўладими? Муродулла Ўлжаев шу майдонда кўкнори етиштирди. Уни яхши парваришлаб ҳосилига оғиз тегдирмоқчи эди, тили куйди. Шода-шода кўсак боғлаган кўкнори милиция ходимлари томонидан ўриб олинди.

М. Ўлжаевнинг уйи тинтув қилинганда 200 кило кўкнорининг қуритилган ва эзилган бошоқлари, 200 кило кўкнори уруғи, 5 килограмм наша, 700 грамм қорадори олинди. Яна ҳовлисидан 95 туп наша ўсимлиги ўриб олиниб, ёқиб юборилди.

Омонбулгур кўкнорига «бош қоронғи» бўлганми, уйининг бўсағасигача шу зормандадан эккан.

Косон тумани ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари милиция майори Равшан Норқулов, ЖҚБ ходимлари Рустам Ваҳобов ва Ўктам Жумаевларнинг саъй-ҳаракати туфайли ушбу жиноят фош этилди. Қорадори хуштори ҳибсга олинди. Тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

— «Турон» жамоа ширкати хўжалигида яшовчи М. Ўлжаев мунчалик кўп миқдорда наркотик моддаларни етиштирганлигини оператив йўллар билан аниқладик, — деди бўлим бошлиғи, милиция майори Б. Ҳидиров. — Бизга туман прокуратураси яқиндан ёрдам берди.

ШЎРВАСИ ТАТИМАДИ

Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси коррупция, рэкет ва терроризмга қарши кураш бошқармаси ходимлари Қарши шаҳрида жойлашган Бекобод металлургия заводининг иккиламчи ишлаб чиқариш корхонасига бир вагон металл парчалари сохта ҳужжатлар асосида келтирилганлигидан воқиф бўлгач, текшириш ўтказишди. Алқисса, бу шубҳада жон бор экан.

«Қашқадарётранс» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 30-автокорхона раҳбарлари металл парчалари режасини бажаришнинг антиқа усулини ўйлаб топишибди. Улар воситачилар орқали Қарши станцияси вагонлар депоси бош муҳандиси Турсун Бердимуродовнинг ишончига кириб, 1250 литр ҳажмдаги бензин эвазига ундан 59 тонна металл парчалари олишга эришган. Оқибатда 59 тонна юк вагонлар депосидан сохта ҳужжатлар орқали заводнинг иккиламчи металлар ишлаб чиқариш корхонасига жўнатилган. Бу металлнинг баҳоси 50 минг 625 сўмни ташкил этаркан.

Бердимуродовга бу шўрва татимади. У терговда сўроқ бермоқда.

Қарангки, бир гуруҳ шахслар давлатнинг 6030 литр бензин ва бензин талонлари ҳамда 59 тонна иккиламчи металларни талон-торож қилмоққа уринди-ю уддасидан чиқолмади.

Ў. ҲАЙДАРОВ,
Қашқадарё вилояти ИИБ матбуот хизмати катта нозири.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 36-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Г -- 0238.

Навбатчи муҳаррир А. РЎЗИЕВ, навбатчи У. ФАЙЗИЕВА.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 22.35

1 2 3 4 5 6.